15. **Гавриленко** Петр Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трести механизация бошқармасининг экскаватор машинисти.

16. **Гаврилов** Эдуард Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

17. **Газиянц** Георгий Михайлович — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги Тошкент область автотрести бошқарувчисининг ўринбосари.

18. **Гайсин** Анвар Ходиевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинатининг газ-электр пайвандчиси.

19. **Гатиатулин** Мусагай Гайнатулович — «Алмаликсвинецстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

20. **Гизатуллин** Наби Хабибулович — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Промсвязьмонтаж» трести Тошкент участкасининг монтери.

21. **Гиндулин** Фатхилислам — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

22. **Глухов** Виктор Егорович — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Ювмонтажавтоматика» трести Тошкент монтаж бошқармасининг слесари.

23. **Голодов** Евгений Степанович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Стальмонтаж» бошқармаси 1-участкасининг крончиси.

24. **Горбунов** Андрей Григорьевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинатининг токарлар бригадаси бошлиғи.

25. **Дадаков** Маматқул — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

26. **Дидов** Василий Иванович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трести «Промтехмонтаж» бошқармаси монтажчи слесарлари бригадасининг бошлиғи.

27. **Ерин** Василий Петрович — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармасининг прораби.

28. **Ермаков** Адольф Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг прораби.

29. **Жданов** Станислав Аркадьевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ бошқармасининг электр монтёрлар бригадаси бошлиғи.

30. **Зан** Николай Андреевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 3-қурилиш бошқармасининг ишчиси.

31. **Зубрин** Иван Никифорович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

32. **Ивашченко** Георгий Степанович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Промтехмонтаж» бошқармаси Олмалиқ участкасининг электр пайвандчиси.

33. **Исерлис** Беатриса Александровна — «Алмаликсвинецстрой» трести қурилиш лабораториясининг бошлиғи.

34. **Исломов** Муртазо — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

35. **Исмонлов** Илёс — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трести «Стальмонтаж» бошқармасининг монтажчи-слесари.

36. **Ипатов** Николай Иванович — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати қозончи-слесарлар бригадасининг бошлиғи.

37. **Қодиров** Фарҳод — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг прораби.

38. **Калугин** Александр Алексеевич — РСФСР — Қурилиш министрлигига қарашли «Ювмонтажавтоматика» трести Тошкент монтаж бошқармасининг старший прораби.

39. **Капаев** Вячеслав Петрович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трести «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчи-слесарлар бригадаси бошлиғи.

40. **Катаев** Пётр Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трестининг бош бухгалтери.

41. **Қаюмов** Рассих Галимович — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Ювмонтажавтоматика» трести Тошкент монтаж бошқармасининг бригада бошлиғи.

42. **Ким** Антонина — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трести «Стройтермоизоляция» бошқармаси Олмалиқ участкасининг том ёпувчиси.

43. **Ким** Яков Леонтьевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармасининг электрмонтёри.

44. **Кленкина** Мария Никифоровна — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг старший инженери.

45. **Клюев** Анатолий Степанович — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Ювмонтажавтоматика» трести Тошкент монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти.

46. **Книн** Леонид Георгиевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати ремонт-механика бошқармасининг директори.

47. **Ковешников** Иван Иванович — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Промсвязьмонтаж» трести Тошкент участкасининг прораби.

48. **Кўнушев** Абдужаббор — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ бошқармасининг мастери.

49. **Кочмарев** Иван Федорович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си 5-темир-бетон буюмлар заводининг электр пайвандчилар бригадаси бошлиғи.

50. **Кравченко** Александр Петрович — «Алмаликсвинецстрой» механизация бошқармасининг экскаватор машинисти.

51. **Крикуненко** Николай Павлович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчи-слесарлар бригадаси бошлиғи.

52. **Кроник** Аркадий Моисеевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати мис саралаш фабрикасининг директори.

53. **Кудрин** Семен Васильевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Стройтермоизоляция» бошқармасининг Олмалиқ участкаси прораби.

54. **Кулинич** Петр Давидович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзсантехгазмонтаж» трести Тошкент область монтаж бошқармаси Олмалиқ участкасининг сантехнигислесари.

55. **Курдюков** Николай Игнатьевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Промсвязьмонтаж» трести Тошкент участкасининг монтери.

56. **Курохтин** Митрофан Тимофеевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

57. **Кучерова** Антонина Павловна — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-трест «Стальмонтаж» бошқармасининг крончиси.

58. **Кушметов** Тошпўлат — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

59. **Лапин** Григорий Гордеевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармасининг экскаватор машинисти.

60. **Ли** Петр Никитович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си 5-темир-бетон буюмлар заводининг бетончиси.

61. **Линченко** Леонид Николаевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ бошқармасининг ўлчовчиси.

62. **Лисовенко** Алексей Васильевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинатининг заливчиги.

63. **Лопухов** Виктор Михайлович — «Алмаликсвинецстрой» трести касаба союз бирлашган қурилиш комитети раисининг ўринбосари.

64. **Мажирин** Юрий Иванович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчи-слесарлар бригадаси бошлиғи.

65. **Макаров** Арнольд Алексеевич — Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига қарашли «Ўзтяжромэлектропроект» институтининг созловчи инженери.

66. **Макарчев** Александр Васильевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзсантехгазмонтаж» трести «Стройгазмонтаж» бошқармаси Олмалиқ участкасининг газ пайвандчиси.

67. **Малкин** Анатолий Степанович — «Алмаликсвинецстрой» трестининг бўлим бошлиғи.

68. **Мальцев** Тимофей Евстафьевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинатининг цех бошлиғи.

69. **Мамажонов** Олимжон — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги Тошкент область автотрестининг 81-Олмалиқ автобазаси шофери.

70. **Марков** Геннадий Иванович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си руда қаторига кирмайдиган қурилиш материаллари Олмалиқ карьерининг механиги.

71. **Мезенков** Петр Игнатьевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си 5-темир-бетон буюмлар заводининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

72. **Минсафин** Набиулла Аҳметович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си 5-темир-бетон буюмлар заводининг бетончиси.

73. **Михайлов** Петр Егорович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармасининг труба ётқизувчилар бригадаси бошлиғи.

74. **Меҳмонов** Тальат — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига қарашли пассажирлар ташиш Тошкент трестининг шофери.

75. **Могилевский** Иван Лукьянович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главстройиндустрия» Олмалиқ руда қаторига кирмайдиган қурилиш материаллари карьерининг қурилиш-монтаж бригадаси бошлиғи.

76. **Мокринский** Виктор Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трестининг бўлим бошлиғи.

77. **Морозов** Григорий Константинович — «Алмаликсвинецстрой» трести механизация бошқармасининг автогрейдер машинисти.

78. **Мохнаткин** Михаил Семенович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

79. **Муҳаммаджонов** Аҳмад — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг слесари.

80. **Нестеров** Борис Иванович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бўлим бошлиғи.

81. **Николаев** Владимир Михайлович — «Алмаликсвинецстрой» трести моддий-техника таъминоти конторасининг бошлиғи.

82. **Ничмоглод** Гаврил Терентьевич — «Алмаликсвинецстрой» трести механизация бошқармасининг участка механиги.

83. **Овчинников** Сергей Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг прораби.

84. **Олейников** Андрей Давидович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Главгеология» Олмалиқ геология-разведка экспедициясининг Шовгаз геология-разведка партияси пармалаш мастери.

85. **Паймолов** Антон Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трести механизация бошқармасининг компрессор машинисти.

86. **Пардаев** Қодирқул — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

87. **Пеночкин** Леонид Алексеевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си Олмалиқ руда қаторига кирмайдиган қурилиш материаллари карьерининг экскаватор машинисти.

88. **Перекопайко** Евгений Андреевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Стальмонтаж» бошқармасининг монтажчилар бригадаси бошлиғи.

89. **Петров** Александр Михайлович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси.

90. **Прокопишин** Пимен Михайлович — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати бўлим бошлиғининг ўринбосари.

91. **Просий** Георгий Остапович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Стройтермоизоляция» бошқармаси Олмалиқ участкасининг механиги.

92. **Простова** Ефросинья Яковлевна — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармасининг асфальтчиси.

93. **Сазанов** Александр Васильевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзсантехгазмонтаж» трести Тошкент область монтаж бошқармасининг Олмалиқ участкаси газ-электр пайвандчиси.

94. **Самойлова** Любовь Александровна — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармасининг труба ётқизувчиси.

95. **Саркисов** Владимир Астатурович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си 5-темир-бетон буюмлар заводининг цех бошлиғи.

96. **Светлов** Всеволод Петрович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ бошқармасининг бошлиғи.

97. **Сейтягьяев** Сейтван — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

98. **Семенов** Иван Петрович — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинатининг откатчи шофери.

99. **Сидорин** Николай Сергеевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»си Олмалиқ руда қаторига кирмайдиган қурилиш материаллари карьерининг компрессорчиси.

100. **Снмаков** Геннадий Павлович — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати склад хўжалигининг такелажниги.

101. **Синяков** Лев Владимирович — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинатининг электровоз машинисти.

102. **Скопенко** Петр Васильевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

103. **Судаков** Григорий Егорович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи.

104. **Сухарев** Александр Борисович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Промтехмонтаж» бошқармасининг электр пайвандчиси.

105. **Тарасова** Людмила Семеновна — «Алмаликсвинецстрой» трестининг старший диспетчер-инженери.

106. **Тошев** Қамбар — «Алмаликсвинецстрой» трести уй-жой коммунал конторасининг ишчиси.

107. **Терентьев** Григорий Александрович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармасининг участка бошлиғи.

108. **Том** Александр Григорьевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Стальмонтаж» бошқармаси такилажниклар бригадасининг бошлиғи.

109. **Турсунқулов** Анорбой Жуманович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчи-слесари.

110. **Тўхтаев** Санъат — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги Тошкент область автотрести 45-автобазасининг шофёри.

111. **Умрзоқов** Тўйчи — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ бошқармасининг мастери.

112. **Фасахова** Шамсинур — «Алмаликсвинецстрой» трести механизация бошқармасининг телефонистраси.

113. **Филатов** Анатолий Николаевич — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати мис саралаш фабрикасининг классификатори.

114. **Филин** Петр Матвеевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

115. **Финогенов** Иван Тимофеевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

116. **Ҳайдарова** Руж — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

117. **Холбоев** Баркун — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

118. **Халфин** Рашид Қосимович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ бошқармасининг электр монтажчилар бригадаси бошлиғи.

119. **Ҳамдамов** Шокир Қамбарович — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Монтажхимзашчита» трести Тошкент монтаж бошқармасининг прораби.

120. **Хан** Василий Николаевич — «Алмаликсвинецстрой» трести темир-бетон буюмлар заводининг арматурачиси.

121. **Хмелев** Изосим Александрович — «Алмаликсвинецстрой» трестининг «На стройке» газетаси редактори.

122. **Холкин** Петр Федорович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармасининг ишчиси.

123. **Царственний** Николай Александрович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчи слесарлар бригадаси бошлиғи.

124. **Цирульник** Иосиф Вольфович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест «Стальмонтаж» бошқармасининг 1-участка бошлиғи.

125. **Черепанов** Иван Зиновьевич — РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли «Монтажхимзашчита» трести Тошкент монтаж бошқармасининг футеровщиклар бригадаси бошлиғи.

126. **Чернов** Борис Васильевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

127. **Чикирев** Спиридон Никифорович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармаси касаба союз қурилиш комитетининг раиси.

128. **Чечкан** Николай Прокопьевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармасининг бош механиги.

129. **Шагабутдинов** Зияддин — «Алмаликсвинецстрой» трести таъминот конторасининг юк ташувчиси.

130. **Шакирьянова** Нейла — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг суводчиси.

131. **Яшников** Федор Федорович — «Алмаликсвинецстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг электриги.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1963 йил 12 январь.

ОЛМАЛИҚДА КЎП-КИШИЛИК МИТИНГ

(Боши биринчи бетда)

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг секретари В. М. Муҳаммедов митингни очиб, Тошкент область саноат партия комитетининг биринчи секретари П. В. Каймаковга сўз берди. Ўртоқ Каймаков мукофотланганларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети ва Министрлар Совети номидан қизғин табриклади. Бинокорлар ва ишчилар олдида катта вазифалар турибди, деди нотиқ. Партия XXII съездининг тарихий режаларига мувофиқ, Ўзбекистонда рангли металлургия кенг қулоч ёяди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми бинокорлар ва саноат ходимлари олдига янги юксак талаблар қўйди. Ҳеч шубҳа йўқки, дастлабки катта ғалабага эришган Олмалиқ меҳнаткашлари янада янги муваффақиятларни қўлга киритадилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Алмаликсвинецстрой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг раҳбари Л. Г. Дудина минбарга чиқади.

— Бинокорларнинг ғалабасига меҳнатим билан ҳисса қўшганлигимдан бахтиёрман, деди у. Меҳнатимизга юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан гоят миннатдормиз. Менга берилган мукофот — бутун коллективга берилган мукофотдир. Бунга жавобан мен қурилиш ишларининг унумдорлиги ва сифатини янада ошириш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Алмаликсвинецстрой» трести 3-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Н. Ғозиқулов халқ бахт-саодати тўғрисида, Ўзбекистоннинг рангли металлургиясини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун партия ва хукуматга чин юракдан самимий миннатдорчилик билдирди. У, Ўзбекистон экономикасида бўлган ажойиб ўзгаришлар, Олмалиқда йирик саноат районининг барпо этилганлиги доно ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини кўрсатувчи равшан далил эканлигини таъкидлаб ўтди.

В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати «Қалмоққир» кони пармалаш станогининг машинисти, Ленин ордени билан мукофотланган А. Г. Книш сўзга чиқди. У, ўтган йил октябрь ойида ўртоқ Н. С. Хрушчев Олмалиққа келган кунларни эслатиб ўтди. Никита Сергеевичнинг қимматли маслаҳатлари рангли металлургияни ривожлантиришга берилаётган зўр эътибор, дейди илғор ишчи, бизларни ишлаб чиқариш суръатини тобора кучайтиришга руҳлантирди ва руҳлантирмоқда.

Олтинтопган комбинати директорининг ўринбосари Р. К. Озолин ва «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси И. К. Бородавко ўз нутқларида қурувчилар эришган меҳнат ғалабаси катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирадилар. Нотиқлар Олмалиқ меҳнаткашлари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, партия XXII съездининг коммунизм моддий-техника базасини яратиш юзасидан белгилаган программасини муваффақиятли суратда амалга ошириш учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўладилар, деб қаттиқ ишонч билдирдилар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Алмаликсвинецстрой» трести, Олмалиқдаги ихтисослаштирилган ташкилотлар ва саноат корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг етти йиллик бешинчи йилига социалистик мажбуриятни митинг иштирокчиларининг гулдурос қарсаклари остида қабул қилинди. Шу мажбуриятда қурилиш-монтаж ишлари ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш, энг муҳим саноат объектларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш, уй-жой қурилиши бўйича йиллик топшириқни 1 декабргача тўла бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планда белгиланган кўрсаткичларни ошириш кўзда тутилган.

Митинг иштирокчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Олмалиқ меҳнаткашларининг митингида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик бюроси раисининг ўринбосари С. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик бюросининг аъзолари И. В. Марцинюк, М. Р. Рамазонов қатнашдилар.

Суратда: «Алмаликсвинецстрой» трестини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлашга бағишланган митинг пайти.
В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЧАВОНДОЗЛАРИ

Бугун республикамиз меҳнаткашлари Қурама тоғлари ёнбағрида жамоли гул-гул очилаётган Олмалиқ шаҳрини ўнёд этган, рангли металлургия саноатининг янги-янги корхоналарини ишга туширив, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшаётган «Алмаликсвинецстрой» трести ишчилари ва инженер-техник ходимларини юксак давлат мукофоти билан чин юракдан кутламоқдалар. Ҳорманг, баракалла, Олмалиқнинг азамат бинокорлари! Олий мукофот муборак бўлсин. Меҳнат Қизил Байроқ ордени машъалдек порлаб, сизни янги зафарларга чорлайверсин.

«Алмаликсвинецстрой» трести республикамиз қурилиш ташкилотлари қаторида пешқадамлардан. Бу даргоҳда қурилиш чавондозлари, етти йиллик пойгасида улоқни олиб кетаётган азаматлар ишлашади. Республикамиз рангли металлургия саноатининг юзага келиши ва барқ уриб ривожланиши ана шу трест ходимларининг ижодий меҳнати ва ғайрат-шижоати билан чамбарчас боғланган. Жуда қисқа муддат — 12—13 йил ичида Олмалиқда оғир саноатимизнинг янги маркази барпо этилди. Қалмоққир, Олтинтопган, Қўрғошин конлари фойдаланишга топширилди. Ана шу конлар базасида қўрғошин-рух ва мис саралаш фабрикалари ишлай бошлади. Бу корхоналар «Алмаликсвинецстрой» трестининг

ЮКСАК МУКОФОТ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

<> <>

бинокорлари қўли билан бунёд этилди. Шу кунларда трест ишчи ва инженер-техник ходимлари мис эритиш заводини тез суръатлар билан қурмоқдалар. Янги заводнинг дастлабки навбати шу йилнинг охирида ишга тушади. Шундай қилиб, мис саралаш фабрикасида олинаётган концентратлар шу ернинг ўзида эритила бошлайди. Шунингдек, орденли бинокорлар сульфат кислотаси цехини ҳам яқин орада фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Янги цехнинг ишга туширилиши мис саралаш фабрикасида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга катта ёрдам беради.

Трест коллективи ўтган хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунлади. Рангли металлургия саноати корхоналарини ишга тушириш бўйича топшириқ 109,5 процент бажарилди. Уй-жой қуриш топшириғи ҳам тўла-тўкис адо этилди. 1962 йилда мис саралаш фабрикасининг биринчи навбати, Оҳангаронда эса йиғма темир-бетон конструкциялар заводи фойдаланишга топширилди. Бинокорлар меҳнат унумдорлигини ошириш ва жамварма тўплаш топшириқларини ҳам шараф билан адо этдилар. Коллектив йиғма темир-бетон конструкцияларни саноат объектлари қурилишида жорий этишда ҳам мақтовга арзирлик иш қилмоқда. Бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари учун 1930 кубометр йиғма темир-бетон конструкциялар ишлатилянти. Бу республикамизда энг юқори кўрсаткичдир. Трест бинокорлари Ўрта Осиёда биринчи бўлиб мис саралаш фабрикасининг биринчи навбат қурилишида олдиндан таранг қилиб тортиб қўйилган темир бетонлар — 24 метр узунликдаги устунлардан фойдаландилар. Шунингдек, арматурани ванна усулида пайванд қилиш ҳам кенг жорий этилмоқда.

1963 йилда трестдаги қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми анча кенгаяди. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан 30 процент кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Трест коллективи етти йиллиқнинг бешинчи йили топшириқларини ихлос билан бажаришга киришди. Трестнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланиши, меҳнатда алоҳида намуна кўрсатган тўрт азаматга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонининг берилиши ҳамда Олтинтопган комбинатини қуриш, лойиҳалаш ва янги қуватларни ишга туширишда ўриак кўрсатган 396 нафар ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг СССР орден ва медаллари билан тақдирланиши барча Олмалиқ меҳнаткашларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришда янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

А. АБДУҚОДИРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатила бошлади

14 январда республиканинг шаҳар ва қишлоқларида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатила бошлади.

«Ўжсурханводстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор бульдозерчиси А. Н. Наливайко Марказий сайлов комиссияси составига якдиллик билан тавсия қилинди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети президиумининг қарори билан «Ўзсовпроф»раиси С. Нуриддинов Марказий сайлов комиссияси составига тавсия қилинди. Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети президиумининг кенгайтирилган мажлисида Марказий сайлов комиссияси составига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат бўлими мудири Г. М. Орлов номзод қилиб кўрсатилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюросининг қарори билан Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзидан Марказий сайлов комиссияси составига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Аҳмедова тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

УЛУҒ КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

(И. В. Бабушкин туғилган кунга 90 йил тўлди)

Шоир айтганидек, умрлар бўладики, мангуликка тенгдир. Улуғ революция ишига, социализм тантанасига ўзининг бутун жўшқин ҳаётини бағишлаган Иван Васильевич Бабушкин ана шундай намояндалардандир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари В. И. Ленининг муносиб шогирди ва содиқ ёрдамчиси, собитқадам революционер, истеъдодли ташкилотчи ва журналист И. В. Бабушкиннинг номини эҳтиёт ифтихор билан тилга оладилар.

В. И. Ленин Иван Васильевичнинг партия ва халқ олдидаги хизматлари ҳақида гапириб, уни халқ қаҳрамони, партиянинг ифтихори, деб атаган эди. «Чор самодержавиесига қарши курашиб қўлга киритилган нарсаларнинг ҳаммаси,— деб ёзган эди улуғ доҳий, — **нуқул** Бабушкин сингари кишилар раҳбарлик қилган оммаонинг кураши туфайлигина қўлга киритилган ютуқлардир».

Бабушкин 1873 йилнинг 15 январида собиқ Вологда губерниясининг энг чекка қишлоғи Леденгскда камбағал-деҳқон оиласида туғилди. Унинг болалик ва ёшлик чоғлари ўша даврдаги миллионларнинг аччиқ қисмати сингари бахти қораликда, дарбадарликда, бир бурда нон топиш учун эрта тонгдан кун ботгунча тер тўкиб меҳнат қилишда ўтди. У етти ёшидан бошлаб бировларнинг эшигида хизмат қилиб, оғир ишларни бажаришга мажбур бўлди.

Ўн беш ёшли ўспирин Кронштадт портидаги мастерскойда, кейинроқ эса собиқ Семянников (ҳозирги В. И. Ленин номидаги) заводда ишлади. У иш шароити нинҳоятда оғир бўлишига қарамай, китоб ўқишга вақт топарди, чунки китоб қалб туғёнига мадад берарди. Ҳаётнинг жабр-жафоларини, буржуа тузумининг адолатсизликларини бошидан кечирган Бабушкинда мавжуд муҳитга нисбатан нафрат уйғонди.

Бабушкин революцион руҳдаги адабиётларни, айниқса нолегал варақа ва брошюраларни зўр қизиқиш билан ўқиди. Ўша даврнинг илғор кишилари — революцион интеллигенция ва социал-демократлар билан дўстлашди. Бу — унинг сиёсий онгини шакллантиришда катта мактаб бўлди. Айниқса В. А. Шелгунов ташкил этган сиёсий тўгаракда иштирок этиши унинг ҳаётида катта бурилиш ясади. В. И. Ленин шу тўгаракда машғулотлар ўтказарди. Бу ҳақда Иван Васильевич кейинчалик бундай деб ёзган эди: «Бизнинг ҳаммамиз тўгарак лекцияларидан ҳамиша мамнун бўлардик ва лекторимизнинг ақл-заковатига тасанно ўқирдик».

Тўқсонинчи йилларда Бабушкин революцион ишга бутунлай берилди. 1895 йилда В. И. Ленин Питердаги йигирмага яқин марксистик ишчи тўгаракларини ягона «Ишчилар синфи озодлиги учун кураш союзи»га бирлаштирди. Бу союзни ташкил этишда И. В. Бабушкин фаол қатнашди ва кейинчалик шу ташкилотнинг актив аъзоси сифатида иш олиб борди. У ишчилар ўртасида марксистик революцион назарияни кенг пропаганда қилди, жанговар варақалар ёзиб тарқатишда актив иштирок этди.

1896 йилнинг январида Бабушкин марксистик тўгаракнинг актив иштирокчиси ва ташаббускорларидан бири сифатида айбланиб қамоққа олинади. Лекин қамоқ ва полициячиларнинг дағдағаси довюрак революционернинг иродасини асло сўндира олмади. У ўзи танлаган йўл — революция йўлида сабот-матонат билан ишлади.

Бабушкин В. И. Ленин таълимоти асосида камолга етган ажойиб ташкилотчи эди. У нолегал адабиётлар чиқариш учун яширин босмахона ташкил этди. Революцион варақа ва прокламациялар босиб чиқариш мақсадида, катта хавф-хатар бўлишига қарамай, босмахона учун керакли нарсаларни заводда шахсан ўзи ва дўстлари тайёрлашарди.

Бутунроссия газетаси — «Искра» ташкил этилгач, Иван Васильевич газетанинг фаол ходими, энг серҳаракат агенти сифатида ишлади, унинг партиявий ва сиёсий фаолияти жўш урди. Газетада унинг мақолалари муттасил босилиб турди, газетани ишчилар орасида кенг тарқатишда жонбозлик кўрсатди. У ўзининг бутун таланти, куч-ғайратини «Искра» газетасини чор ҳукуматининг разил сиёсатини фош этувчи чинакам умумхалқ минбарига айлантиришга сафарбар этди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин унинг корреспонденцияларига юксак баҳо берди.

1901 йилда Бабушкин яна қамоққа олинади. У бошқа революционерлар билан бирга тюрьмадан қочади ва Лондонга бориб В. И. Ленин ҳузурида бўлади. Кейин Питерга қайтиб келиб бу ерда экономистларга қарши қизғин кураш олиб боришда актив иштирок этади. Лекин орадан кўп ўтмай эркинлик душманлари уни сургун қиладилар.

1905 йилда Бабушкин чор тюрьмасидан озод бўлиб, Иркутскка келади ва Иркутск комитетига аъзо бўлиб киради. У турли йиғилишларда нутқ сўзлайди, қўзғолонларга бошчилик қилади, қуроляроғ складларига ҳужумлар уюштиради. У ўзининг беш сафдош дўсти билан бир вагонда Читага жуда кўп қурол-яроғ олиб келаётганида, Ренненкампф жазо экспедицияси томонидан қўлга олиниб, ҳеч қандай судсиз отиб ташланади.

Оташин революционер ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган кураш тантана қилди, Октябрь социалистик революциясининг ҳаётбахш нури қанчадан-қанча мамлакатларни нурафшон этди, мамлакатимиз осмонида эса коммунизм қуёши порлаб турибди.

Н. ЁҚУБОВ.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА





Торгауда (Лейпциг округи) Германия Демократик Республикасида энг йирик ойна заводи қурилмоқда. Ҳозироқ ҳамма ишлаб чиқариш бинолари деярли қуриб битказилган. Бу йил январида корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Завод қурилиши бутунлай тугаллангач, йилига 8 миллион квадрат метр ойна ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади. СУРАТДА: (юқорида) заводнинг янги цехларидан бири.

Лютцкендорфдаги (Галле округи) «Минеральольверк» комбинати Германия Демократик Республикаси химия саноатининг энг муҳим корхонасидир. Бу корхона турли ёнилғи ва минерал мой ишлаб чиқаради. Яқинда бу комбинатда янги мой заводи қурилиб фойдаланишга топширилди. СУРАТДА: (пастда) янги заводнинг тозалаш установкаси.

АДН—ТАСС фотолари.

К. С. СТАНИСЛАВСКИЙ АСАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Совет театр санъатининг отахони, буюк режиссёр, актёр, Москва Бадиий театрининг асосчиси Константин Сергеевич Станиславский туғилган куннинг юз йиллигини мамлакатимиз ва дунёнинг бутун прогрессив санъат аҳиллари кенг нишонламоқда.

Республикамиз театрлари ва барча санъат арбоблари ҳам бу кунни муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик кўраётирлар. Жойларда К. С. Станиславский ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий конференциялар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ССР бадиий адабиёт нашриёти профессор М. С. Григорьевнинг Станиславский услуби ҳақидаги «Саҳна маҳорати» китобини нашр этди. Бу китобни автор Станиславский услуби баён этилган — «Менинг санъатдаги ҳаётим», «Актёрнинг ўз устида ишлаши» каби китобларини ўқиб, ўрганиб, сўнг ёзган. Нашриёт шунингдек, юбилейга атаб И. В. Радуннинг «Актёрнинг туғилиши», Я. С. Фельдменнинг «Халқ характери ва саҳна образлари» китобларини ҳам нашр этди. Бу китобларда Станиславский услубига асосланган ўзбек театрлари фаолияти таҳлил қилиб берилади.

К. С. Станиславскийнинг «Менинг санъатдаги ҳаётим», «Актёрнинг ўз устида ишлаши» китоблари ҳам тез кунларда китобхонларга ўзбек тилида тақдим этилади.

У. ШАМСИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР бадиий адабиёт нашриёти санъат бўлимининг редактори.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ҒОЯЛАРИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

Рудольф ДЕЛЛИНГ
Германия Демократик Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Немис халқи тарихида биринчи ишчи-деҳқонлар давлати ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди бугун ўз ишини бошлайди. Германия Бирлашган социалистик партияси ҳамда барча қардош коммунистик ва ишчи партиялар бу съездга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари Н. С. Хрущчев бошлиқ КПСС делегациясини қизғин табриклямоқдалар.

VI съезд Германия Бирлашган социалистик партиясининг янги программасини — Германия Демократик Республикасида янги ҳаёт барпо қилишнинг кенг перспективаларини очиб берувчи ҳужжатни қабул қилади. Германия Демократик Республикасининг ҳамма меҳнаткашлари муҳокама қилган программа проектида республикада социализм қурилишини тугаллашга, бутун Германияда тинчлик ўрнатишга олиб борувчи йўл кўрсатиб берилди.

Бизнинг марксчи-ленинчи партиямиз ўз фаолиятида Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва Владимир Ильич Ленинкинг улуғ таълимотига амал қилиб келди ва амал қилмоқда. Партиямиз ижодий марксизм-ленинизм байроғи остида тинч йўл билан антифашистик-демократик қайта қуришлардан социализмга ўтиш учун шарт-шароитлар яратди. Программа проектида таъкидланаётгани, Германия Демократик Республикасида социализм негизларини барпо қилиш биринчи беш йиллик планни амалга ошириш билан бошланди. Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съезди эришилган ютуқларга асосланиб, республикани нг иқтисодий базасини кенгайтириш, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини мустаҳкамлаш соҳасида келгусида амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб берди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш туфайли давлатимиз экономикасининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда катта-катта ютуқларга эришилди. Ўтган тўрт йил ичида саноатнинг ялпи маҳсулоти 58 миллиард маркадан 80 миллиард маркага етди. Қишлоқ хўжалигининг товар ишлаб чиқариши юксалди.

Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикасининг шаҳарларида ҳам, шунингдек қишлоқларида ҳам социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ғалаба қилди.

Ғарбий Германия империалистлари ва уларнинг НАТОдаги шериклари социалистик йўлдан олға қараб боришимизни тўхтатиб қўйишга ҳамда бора-бора Германия Демократик Республикасини йўқ қилиб ташлашга неча марталаб урининг кўрдилар. Аммо, улар ўзларининг реакцион ниятларига ета олмайдилар! Германиянинг шарқий қисмида қарор топган янги тузум ўзининг ҳаётга қобилиятлилигини ва қудратини намойиш қилмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг янги программаси ва янги устави проектларини муҳокама қилиш шуни кўрсатдики, Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари партия белгилаган планларни амалга оширишга маҳкам бел боғлаб турибдилар. Халқнинг ижодий активлиги ой сайин ошиб бормоқдаки, бу — мусобақада ўзининг жуда ёрқин ифодасини топмоқда. Ҳозир 125 минг коллектив социалистик меҳнат бригадалари деган фахрли номни олиш учун курашмоқда. Техникага доир мураккаб проблемаларни ҳал қилишга лаёқатли кадрлар ўсиб етишди.

Германия Бирлашган социалистик партияси янги жамиятни фақат тинчлик шароитидагина барпо қилиш мумкинлигини тўла тушунади. Мана шунинг учун у, ижтимоий системаси турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципларни сабот-матонат ва изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги вақтда иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларига барҳам бериш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Аденауэр, Брандт, Хассель, «қутурган»ларнинг бутун галаси, улар Ғарбий Германияда қайта тиклаган ва таълим берган милитаризм ҳозир бизнинг ёш социалистик давлатимизга, Совет Иттифоқига, Чехословакияга, Польшагагина эмас, Германия Федератив Республикасининг Ғарбдаги қўшниларига ҳам таҳдид солмоқда. Шу сабабдан, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш бевосита зарурат бўлиб қолди; буни тинчликни сақлаб қолиш манфаатлари тақозо қилмоқда. Сулҳ шартномаси Бонн милитаристларини жиловлаб қўйган бўлур эди.

Программа проектида уқтириб ўтилганидек, Германия Бирлашган социалистик партияси шу нарсага аминдирки, Германия билан сулҳ шартномаси тузилиши, Ғарбий Берлиндаги НАТО базаси ва оккупация режими тугатилиб, кейинчалик Ғарбий Берлин эркин шаҳарга айлантирилиши иккала герман давлатини яқинлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратган бўлур эди.

Германия Демократик Республикасининг гражданлари ҳам Республикада янги жамиятни барпо қилиш йўлида, бутун немис миллатининг порлоқ истиқболи йўлида меҳнат қилмоқдалар. Германия Демократик Республикаси — қудратли социализм лагерининг мустаҳкам таркибий қисмидир. Германия Демократик Республикаси ўзаро Иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида муҳим роль ўйнамоқда ва социалистик давлатларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Жаҳонда биринчи ғалаба қилган социализм мамлакати билан мустаҳкам дўстликни Германия Бирлашган социалистик партияси ўз ташқи сиёсатининг Германия Демократик Республикаси равнақини таъминловчи бузилмас қонуни деб билади. Муносабатларимиз ривожининг бутун тарихи буни исботлади. Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги давлат шартномаси туфайли Германия Демократик Республикасининг суверенитети мустаҳкамлаб қўйилди. Советлар мамлакати янги ҳаётни барпо қилишда бизга катта ёрдам кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Совет Иттифоқи билан дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик республикани тинчликни таъминлаш ва социализм йўлида янада тараққий этиши учун гаровдир.

Германия Бирлашган социалистик партияси программасининг проектида бундай дейилади: **«Халқаро ишчилар ҳаракатининг маркази, марксизм-ленинизм ва тинчликнинг таянчи — Совет Иттифоқига муносабат — илгари бўлганидек ҳозир ҳам коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда социалистик давлатларнинг сиёсати учун синов тошидир; ревизионизмга, сектантликка ва миллатчиликка қарши курашнинг муваффақиятини ҳал қилувчи омилдир. Бу муносабат марксизм-ленинизмнинг революцион инсонпарварлик идеялари поклигининг, жаҳон социалистик системаси ва халқаро ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигининг гарантиясидир».**

Германия Бирлашган социалистик партияси Германия Демократик Республикасида социализм қурилишига муваффақиятли раҳбарлик қилиб келаётганлигига сабаб шуки, у, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашлари Декларацияси ва Баёнотида баён қилинган позицияларда маҳкам турибди. Германия Бирлашган социалистик партияси КПСС XX ва XXII съездларининг назарий ва амалий хулосаларига батамом қўшилмоқда.

Социалистик лагернинг, халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг бирлиги ва жипслиги учун кураш ҳар бир марксчи-ленинчи партиянинг интернационал бурчи ҳисобланади. Улар коллектив равишда ишлаб чиқиқан стратегия ва тактикага содиқ бўлган Германия Бирлашган социалистик партияси коммунистик ҳаракат билан алоқасини ошкора равишда узаётган, догматизм, сектантлик ва миллатчилик ботқоғига тобора чуқурроқ ботиб кетаётган албан раҳбарларининг хатти-ҳаракатларини қатъиян қораламоқда.

Албания меҳнат партиясининг раҳбарлари ўзининг КПССга ва бошқа марксчи-ленинчи партияларга қутуриб қилаётган туҳматлари билан империалистларнинг шум ниятларини амалга оширишда ҳақиқатда уларга ёрдам бериб келмоқда. Албан раҳбарлари ва уларга далда бериб турган кишилар ленинизмга такомила ёт бўлган методларни қўллаётганлар. Сектантлар ва догматиклар тутган йўл — коммунизм кучларига ишонмаслик, давлатлар ўртасида уруш олиб бормасдан, жаҳон уруши қилмасдан, социализмнинг янги мамлакатларда ғалаба қозониши мумкинлигига ишонмаслик йўлидир.

Марксизм-ленинизмнинг улуғ ғояларидан илҳомланган Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари Германия Бирлашган социалистик партияси раҳбарлигида социализм қурадилар. Бу — ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат барқарор қилувчи коммунизмга олиб борадиган йўлда бизнинг биринчи погонамиз бўлади. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси бизнинг халқимиз учун ҳам йўлчи юлдуздир!

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ

ШАҲАР ТЕМАСИДА

ИШГА БОРАЁТГАНДА...

Тошкентда транспорт иши айниқса эрталаб соат саккиздан тўққизгача авжига чиқади. Худди шу вақт ичида транспортнинг халққа хизмати кўзингизга яққол ташланади.

Эрталаб соат саккиз. Новомосковская кўчасининг бешинчи ва тўртинчи троллейбус ҳамда 21-автобус тўхтайдиган Куйбишев майдони.

Экскаватор заводи томонидаги муйилишдан троллейбуснинг қораси кўринади.

— Хайрият, ниҳоят кетиб қоларканмиз, — дейди токатсизланиб турган аёл.

— Оббо, яна бешинчи-ку. Тўртинчи қаёқда, тўртинчи? — пассажир югуриб келиб негадир ҳайдовчидан сўрайди.

— Менинг ишим нима?

Орадан ўн-ўн беш минут ўтади. Орзиқиб кутилган тўртинчи кўринади. Шошманг, бекорга чопиб юрманг: тўртинчи тўхтамай ўтиб кетади, чунки у нариги остановкаданоқ лик тўлиб келяпти. Бўш жой йўқ.

Калинин майдони, Охунбобоев майдони, Комсомол майдони, Беруний майдони, Чилонзор, Дўмбиробод, Оқтепа, Назарбек, Консерва заводи, Театр майдони — эх-е, хамма ерда шу аҳвол.

Революция сквери — Морозов кўчаси маршрутида катнайдиган 4- автобус шоферлари ўзига хос янгилик кашф этишибди. Бу автобусда охирги остановкада чиқиб олмасангиз, овора бўлманг, бари бир ораликдаги остановкаларда машина тўхтамайди.

1 ва 4- троллейбус, 1, 2 ва 11- трамвай маршрутлари энг узун маршрут ҳисобланади. Аммо бу ерда катнайдиган транспорт сони ҳануз кўпаймаётир.

Пойтахт ишчи ва хизматчилари орасида шаҳар атрофидаги қишлоқлардан келиб ишлайдиганлар бор. Афсуски, Тошкентдан Чирчиқ, Янгийўл, «Оққўрғон» совхози, «Маданият» колхози, Черняевка, Келес, Ўртасарой ва бошқа томонларга қатнайдиган автобуслар нормал ишламайди.

Хуллас, шаҳар ижроия комитети ва унинг тегишли бўлимлари транспорт қатновини тубдан яхшилаши керак.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

15 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Пионер эрталиги. 8. 25 — Янги грампластинкалар. 9.50 — Етти йиллик илгорлари (тожик тилида). 10.10 — Мақомлардан парчалар. 11.20 — Концерт (кекса санъат усталари ижросида). 12.30 — Янги китоблар (ўзбек тилида). 13.30 — Вальслар. 15.35 — «Қиш орзулари» (Чайковскийнинг Биринчи симфонияси). 16.15 — Илон захари — шифобахш дори (врач суҳбати). 17.40 — «Гилдирак» (А. Бўрибоев ҳикояси). 18.05 — Концерт (болалар учун). 18.30 — Руминия композиторлари. 19.20 — Концерт (қорақалпоқ куйларидан). 20.00 — Жамоат контроли (рус тилида). 20.10 — Ёшлар талаби ижро этилади. 20.45 — Меҳнат — инсоннинг гўзал фазилати (ўзбек тилида). 22.05 — Бизнинг интервью (рус тилида). 22.25 — Концерт (Бекобод металлургиялари талабига мувофиқ). 23.15 — Қўшиқ ва рақслар.

Иккинчи программа: 19.00 — Метнер асарлари. 19.30 — Ҳ. Салоҳ, А. Бўрибоев, Т. Ғўлдош шеърлари. 20.10 — Енгил куйлар. 20.45 — Ёшлар учун (рус тилида). 21.00 — Тожикистон композиторлари асарлари. 21.30 — Концерт (халқ куйларидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Яна мактабда** деган эшиттириш ва **концерт**. 18.35 — **«Таштекстильмаш» заводининг қуюв цехида** (саноат ходимлари учун). 19.00 — **Телевизион янгиликлар**. 19.15 — **Уч ўртоқ** номли бадиий фильм (телетомошабинлар талабига мувофиқ).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**. 20.50 — КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз. **Мўл ҳосил учун** телевизион журнали ва **концерт** (қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун).

Ўзбек ва рус тилларида: 22.20 — **Сўнгги ахборот.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.50 — **Улардан ўрнак ол** (мактаб ўқувчилари учун). 20.15 — **И. В. Бабушкин** («Эсдалик кунлар календари» циклидан).

Рус тилида: 20.35 — **Ваҳшийлар** номли фильм-спектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/I да **Демон.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/I да **Номус**, 16/I да **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/I да **Ғазал фожиаси.**

КИНО

Уч мушкетёр — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Улимнинг ўз юзи бор — «МИР», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бир қишлоқ йигитлари — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
15, 16, 17, 21 январда кечқурун, **20 январда** кундуз
Ўзбек давлат эстрадаси солисти
ФАХРИДДИН УМАРОВ
КОНЦЕРТЛАРИ
Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Тўхта Рисметова, Азиз Муллахолов, Собир Йўлдошевлар** қатнашади.
Программани **Муҳаббат Мусаева** олиб боради.
Кечки концертлар соат 7 ярим да, кундузги концерт соат 2 да бошланади. Касса ҳар куни кундуз соат 2 дан, 20/I да—эрталаб соат 11 дан очилади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ САВДО-ОШПАЗЛИК ШОГИРДЛИГИ МАКТАБИ
озиқ-овқат товарлари сотувчиларини тайёрлайдиган группаларга
ЎҚУВЧИЛАР *қабул қилади*
Ўқиш муддати 1 йил ва 2 йил. 7, 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.
Ўқувчилар стипендия билан, бошқа жойлардан келганлар ётоқ билан ҳам таъминланади.
Аризалар ҳозирдан қабул қилинади.
Адрес: Тошкент шаҳар, Самарқанд дарвоза кўчаси, Фармон проезд, 25/100-уй.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
қолипчилар (машинада қолиплаш учун,) **электросваркачилар, металл қирқувчилар, темирчилар, штамповкачилар, слесарлар, токарлар, фрезерчилар, электромонтёрлар** ва шу касбларга ўргатиш учун **шогирдлар**
керак
Тошкент шаҳар, Сельмаш кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (4-трамвайнинг «ТашМИ», 16, 3, 21, 8-автобусининг «Сельмаш» остановкаси).

Калинин район. Ленин номли колхозда турувчи **Ёқуб Мирвалиевнинг** шу райондаги «Назарбек» совхозида турувчи **Умри Мирвалиева** (Гаффорова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Железноводск кўчаси, 1-линия, 24-уйда турувчи **Илҳом Иноғомовнинг** шу уйда турувчи Ҳакима Иноғомовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Каттабоғ кўчаси, Атиргул переулок, 5-уйда турувчи **Солиҳ Миркаримовнинг** Жаркўча, 9-тупик, 52-уйда турувчи Светлана Ҳакидовна Миркаримовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Шелковичная кўчаси, 35-уйда турувчи **Эльвира Яковлевна Трофимовага** Уральский переулок, 16-а уйда турувчи Геннадий Георгиевич Трофимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ СИРТҚИ УМУМИЙ ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ РЕКТОРАТИ
билдиради,
Қишки имтиҳон СЕССИЯСИ
1 курсда — **11 февралдан 2 мартгача**, II ва III курсларда — **21 январдан 10 февралгача** ўтказилади.

СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ РЕСПУБЛИКА КУРСИ
стенография ва машинада ёзув бўлимларининг кечки группаларига
ЎҚУВЧИЛАР *қабул қилади*
Ўқиш 1963 йил 1 февралдан бошланади.
Керакли справкани сўраш учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 174-уй (Бешёғоч, Комсомол кўли ёнида).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ТЕХНИКУМИ
техникумга киришга тайёрлайдиган тўрт ойлик, пуллик
КУРСГА
ЎҚУВЧИЛАР *қабул қилади*
Тайёрлов курсига 7, 8, 9, 10, 11-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар қабул қилинади.
Ўқиш 11 февралдан бошланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Сарикўл кўчаси, 3-уй.

ЧОРДАРА СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИ БОШҚАРМАСИГА
старший бухгалтер-ревизор, экономист-молиячи, икки старший бухгалтер
керак
Йўл чиқимлари меҳнат қонунларининг 82-моддасига мувофиқ тўланади. Енгилликлар берилади.
Мурожаат учун адрес: Чимкент область, Киров район, Багара кишлоғи.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ва район ижроия комитети Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Ортиқхўжаевга отаси **Мирза ОРТИҚХУЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат консерваторияси коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер **Оллоёр Умарович ХУДОЁРХОНнинг** вафот этганини чуқур қайғу билан билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари—27914, 29323. Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахона си, Тошкент шаҳри.
Р. 006632. Индекс 64543. Нашр. № 12.